



Савол:

Ассалому-алайкум тахририят ходимлари. Мен хам сизларнинг бир муҳлисингиз катори ислом нури сахифаларини мунтазам ўқиб бораман. Бугун хам «Эрнинг хотин устидаги хаклари» рукнини ўқидим. Ислом дини одоб-ахлок динидир. Лекин хаёт билан уни чамбарчас bogлаш жуда кийин. Мен ўзим намозхон оиладан такдир иродаси билан диндан йирок одамлар хонадонига келин бўлиб тушдим. Бир канча диний китобларда, сизнинг рукнингизда эр оила учун масъул, бош дейилган, лекин минг афсуски хужайнимнинг ичкиликка берилгани сабабли тинчимиз йук, бир неча бор шу хакдаги китобларни олиб келдим, хужайнимга таъсири булмади, яратгандан уларга инсоф беришини сўраб чарчадим. Мен ўзим таълим соҳасида ишлайман. Лекин хужайним менга хеч качон ишламагин демаганлар, чунки ўzlари З йилдан бери ишларининг тайини йўк. Фарзандларим тарбиясидан хавотирдаман, кани эди улар ичмайдиган, чекмайдиган, Аллохнинг буюрганини бажарадиган солих зурриёт бўлиб етишсалар. Шунча йилдан бери сикилиб келардим. Кеча уйга сикилиб борсам, «Хидоят» журналини 7-сонини олишган экан, шундан ўзимга таскин топдим, унда хар кандай синовлар Парвардигорнинг марҳаматидир, ундан ўзингга Аллохнинг раҳматини кутгин дейилган экан. Шу биргина ибора калбимга таскин берди. Азиз тахририят сизлар нима маслаҳат берасизлар.

Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳ. Ҳакикатда бу жуда ачинарли хол, хатингизни ўқиган одам эҳ, минг афсус демасдан иложи йўк. Шундай бўлсада бу холатларни мусулмон одам Аллоҳ таоло томонидан синов деб кабул килмоги керак. Бу дунё синов ва имтихон хаёти, охират



Ислом Нури

хаётидаги баҳт-саодат шуларнинг натижасига караб бўлади. Кимки шу беш кунлик ўтар дунёда Аллохнинг синовларига бардош берса, у албатта голиблардан бўлади.

Аллоҳ таъолонинг мусулмонга такдир килиб кўйган барча нарсаси яхшилик бўлади. У хеч качон мусулмонга ёмонликни такдир килмайди. Пайгамбар соллаллоҳу алайхи ва саллам дейдилар: «Жоним кўлида бўлган Зотга касам ичиб айтаман: Аллохнинг мўмин учун такдир килган нарсанинг барчаси мўмин учун яхшиликдир. Бу факт мўмин учун, холос. Агар унга яхшилик етса шукр килади, бу унинг учун яхшиликдир. Агар унга ноҳушлик-ёмонлик етса сабр килади, бу хам унинг учун яхшиликдир.» Бу хадисни Сухайб ибн Синондан имом Муслим ривоят килган.

Саъд ибн Аби Ваккос дейди: «Мен: Эй Расулуллоҳ – соллаллоҳу алайхи ва саллам, одамларнинг кайсилари энг каттиқ балоланади-синаладилар? — дедим. «Пайгамбарлар кейин солих кишилар кейин эса даражаларига караб бўлади» — дедилар. «Киши динига караб синалади. Агар динида мустахкамлик бўлса, унинг синови каттиқлаштирилади. Агар унинг динида заифлик бўлса, бало хам камайтирилади. Мўъминга бало-синовлар етаверади, етаверади натижада у ер устида бирор хато-гунохсиз юради.» дедилар. (Имом Термизий, Ибн Можа ва Ахмад ривояти). Синовлар Аллохнинг марҳамати деганининг маъноси шудир, бирок бу мўъминга нисбатан холос, хар кандай бало хар кимга марҳамат бўлавермайди.

Агар куёвингиз намоз ўқиса, рўза тутса сиз сабр килинг, болаларнинг тарбиясига жиддийрок ахамият килинг. Улар отасини ичган холатида кўрмасинлар, чунки бунинг болалар тарбиясига ёмон таъсири бор. Сиз унга яхши муомала килиб Аллоҳдан кўркишга чакираверинг.



Ислом Нури

Кечалари дуо килинг, шоядки Аллох уни хидоятласа.

Аллохдан ноумид бўлманг, дуо килиб чарчадим деманг. Аллох бир кун кабул килар. Сиз Аллох дуойимни кабул килмади хам деманг, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам деганлар: «Банда кўлларини кўтариб Аллоҳга дуо килса, У бандасининг кўлларини бўш кайтаришни хоҳламайди, У Ҳаёли Карим Зотдир». Колаверса, дуонинг натижаси уламоларнинг сўзларига кўра уч хил бўлади: 1-Аллоҳ бандага сўраган нарсасини беради. 2- Аллоҳ бандадан килган дуосининг микдорида унга етишлиги мумкин бўлган заарларни даф килади. 3- Аллоҳ бандага килган дуосининг микдоридаги яхшиликни киёмат кунига саклаб кўяди.

Ислом хакикатда одоб-ахлок динидир. Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен яхши ахлокларни камолига етказиш учун юборилдим» деб марҳамат килганлар. Уни хаётга чамбарчас боғласа бўлади. Бунинг учун каттиқ тиришиш лозим, у ўта баркамол диндир. Камчилик бизда, мусулмонлардадир, биз уни хаётга боғлаш, татбиқ килишда сустлик килмоқдамиз, холос.

Сўзимизнинг охирида Аллохдан сизга сабот, турмуш ўртогингизга хидоят ва фарзандларингизга салоҳият хамда сизни муслима килиб тарбиялаган ота-онангизга ажру-савоблар сўраймиз.